

СУРАТ ВА СИЙРАТИГА ЧИЗГИЛАР

РЎЗИҚУЛ МУСТАФОҚУЛОВ

*Термиз давлат университети доценти,
филология фанлари номзоди*

**ШАРИФ ЁҚУБОВ**

*Термиз давлат университети доценти,
филология фанлари номзоди*



Биз ҳамиша ҳам қувончли, бахтиёр дамларнинг гувоҳи бўлавермаймиз. Гоҳи-гоҳида кўнгилга оғриқ соладиган, қандайдир малол келадиган ҳолатларга ҳам юзма юз келамиз. Ҳар бир одам ҳаёт имтиҳонларидан яхши ўтмоқ учун, мазмунли умр кечирмоқ, эл-юртга манфаатли насл-ворислар, ўзидан яхши ном қолдирмоқ учун уринади, изланади, ўқийди ва ишлайди. Ана шундай қилсагина, киши ҳаётнинг мазмунини, яшамоқ маъносини ақли етганча қадрлайди. Бу манзил англамоққа қадар бўлган йўл ҳам яқин бўлмагани каби, уни босиб ўтиш ҳам осон эмас.?

Ҳа “Инсон ҳаёти ҳеч маҳал бир маромда кечмайди. У яшаркан, гоҳи текисликдан, гоҳида эса чағир тошли йўллардан, баъзида ақлни шоширадиган чигал манзиллардан ўтишига тўғри келади. Буларнинг барисини жамлаб, фоний дунёнинг синов-имтиҳонлари дейишади. Ҳақиқатан ҳам шундай. Бу дунёда ҳеч бир одамга

бамайлихотир яшамоғи учун текис, равон йўллар тайёрлаб қўйилган эмас. Бинобарин, тайёрлаб қўйилмайди ҳам”.

Бу ҳаёт қонуни. Одам фарзанди буларга бардош бериши, чидаши керак. Такдири илоҳийдан одамга сабр-тоқат, ирода ато этилган. Гоҳида машаққатлар, қийинчиликлар ортидан бахт жилмайиб турганини унутмаслик, умидсизликка тушмаслик керак экан.

Шундай ҳаётнинг ширин ва аччиқ дамларини енгиб ўтган инсон Термиз давлат университетининг профессори, тарих фанлар доктори Сайфулло Турсунов бўлади. Бўлажак олим Шеробод туманида 1956 йилнинг 10 майида таваллуд топди. У тенгдошлари қатори оддий мактабнинг оддий ўқувчиларидан бири сифатида ўқишни аъло баҳоларда тугатди. 1977 йили М.Т.Ойбек номи (ҳозирги Термиз давлат университети) педагогика институти тарих ва жамиятшунослик йўналишига ўқишга кирди ва уни имтиёзли диплом билан

тамомлади. 1977 йилнинг август-декабрь ойларида Шеробод туманидаги 28-умумий ўрта таълим мактабида тарих-жамиятшунослик фани ўқитувчиси бўлиб ишлади.

Сайпулла Нарзуллаевич Турсунов 1978 йил январ ойидан бошлаб М.Т.Ойбек номли Термиз Давлат педагогика институтида ўқитувчи, катта ўқитувчи, 1996 йилнинг февралдан Термиз давлат университети тарбиявий ишлар бўйича проректори, 1997 йил январидан 2002 йил январигача университет маънавий-маърифий ишлар бўйича I-проректори вазифаларида фаолият кўрсатди. 2002 йилдан “Жаҳон тарихи” кафедраси мудири, 2000-2001 йиллар университет ректори, 2014-2024 йиллар вилоят депутати бўлиб сайланди, 2010 йил 18 февралдан буён Сурхондарё вилояти ҳудудий инновация фаолияти ва технологиялар трансфери маркази раҳбарлигини олиб бормоқда.

1985 йилда “Ўзбекистонда янги шаҳарларнинг ижтимоий иқтисодий тарихи” мавзусида тарих фанлари номзоди, 1995 йилнинг майида “Ўзбекистон иқтисодиётида аграр секторнинг ривожланиши: муаммолар ва натижалар (1946-1965 й.й)” мавзусида тарих фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертацияларини ёқлади. 1999 йилда профессор, 2012 йил 6 майда Турон фанлар академияси Академиги. Унинг илмий тадқиқот натижалари тарих фанининг илмий-амалий жиҳатларини ўрганишда кенг қўлланилмоқда.

Сайфулло Турсуновнинг бевосита раҳбарлигида “Сурхондарё тарихи”, “Сурхондарё фан ва технологияларни ривожлантириш Маркази”, “Сурхондарё вилояти ҳудудий инновация фаолияти ва технологиялар трансфери маркази” раҳбари, бевосита унинг ташаббуси билан Олий Аттестацияси комиссиясининг рўйхатидан ўтган “Сурхондарё: илм ва тафаккур” илмий журналини ташкил этди ва журналнинг бош муҳаррири вазифасида фаолият юритиб келмоқда. Унинг бу ташаббускорлиги илмий тадқиқотчиларнинг илмий ишларига йўл очиб берди.

Сайфулло Турсуновнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти билан яқиндан танишганим 1983 йиллар бўлса керак. Мен олимнинг ҳаёти ва илмий-ижодий иш фаолиятини зимдан кузатиб келаман. Гапнинг очиғи бу олимни тиниб-тинчимайдиган, эринмайдиган, эл хизматидан, чарчамайдиган ва “илм йўлида тўхтаб қолмайдиган, эл дардини айта оладиган инсон деб биламан. Сайфулло Турсуновнинг ижодий фаолиятини куз олдимга келтирсам шоир, Болта Ёриевнинг бир шеъри ёдимга тушади. У шеър айнан, шу олимга бағишлаб ёзилгандай.

Ҳайбатли қоялар-бардоши азим
Ва тоғлар таҳсинин олган одамлар,
Мен сизга суяндим, сизга суяндим,
Юксак-юксакларга талпинган дамлар.

Олим ижод оламининг нурли юксакликларига талпинган дамларида қоядек бардошли, тоғлар виқорини олган одамларга суянганлигидан далолат беради.

Мана шу куч-қувват туфайли барча қийинчиликларни меҳнат ва ҳаракат билан енгиб ўтди. Кундузни кечага, кечани кундузга улаб, уйкуга кул бўлмади, келажакка ва ҳақиқатнинг қарор топишига ишонч руҳи, ҳалоллик билан илмга интилди, илм йўлидаги барча режаларини ойдин йўлга олиб чиқди.

Домла билан бир суҳбатимизда “Бу дунёда ҳар бир одам бахтли бўлмоқни ва дориламон яшаб ўтмоқ бахтини сабр бардош билан енгиб ўтиши керак. Инсонга бу бахт атиги бир мартагина тухфа этилади. Жоним-танам билан иштайманки, шу қутлуғ тухфа ҳеч қачон увол бўлмасин”-дейди Сайфулло Турсунов.

Илм йўлига қадам қўйган кундан бошлаб Сайфулло Турсунов ўтган давр мобайнида байрам кунлари ҳам, дам олиш чоғларида ҳам вилоят олий ўқув даргоҳларида, касб-ҳунар коллежларида ва лицейларида ҳамда техникумларида маҳалла, мактабларда бўлиб, қизиқарли ва ранг-баранг мавзуларда маърузалар ўқийди, суҳбат, учрашувлар ўтказди. Бундай бошқаларнинг бахтини ўз бахти деб қабул қилиш, ўзгалар дардига холислик билан шерик бўла билиш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди.

Дарҳақиқат, Сайфулло Турсуновнинг бўш вақти йўқ, У ёки бу муносабат, масала, муаммо билан кунига унинг қабулига йигирма-ўттизлаб устоз-шогирдлари, магистру докторантлар келиб кетади. Албатта, шунча одамга ёруғ юз билан қараб, илиқ сўз айтиб қарши олиш, уларни тинглашнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун кишида меҳр, одамохунлик, одамгарчилик, олимлик ишига муҳаббат, сабр-бардош бўлмоғи лозим. Қадрдонлари Сайфулло Турсуновнинг инсонийлик муомала маданиятидан хурсанд, офарин айтиб қайтишади. Домла айрим ҳолларда уйига ҳорғин бўлиб қайтади. Айниқса, ёшларнинг унутилмас, умр бўйи ёдда сақланиб қоладиган савоб ишлари унинг қалбини тоғлардек даст кўтаради. Олим ўзига талабчан, қаттиққўл баробарида сўз ва қаламни азиз тутди, вақти келиб, қалам ва сўз уни элга танитди, ва эъзозда ҳаёт кечириди.

-Мен ниманики ўрганган бўлсам, англаган бўлсам, бунинг учун энг аввало ҳаётдан, ўрта мактаб улуғ муаллимларимдан, сўнгра эса олий даргоҳ устозларимдан миннатдорман,-дейди Сайфулло Турсунов, - қўлимга қалам тутиб, элимизнинг яхши кунларини, саодатманд онларини қоғозга тушираётганимдан, янгиликларни элга хабар қилаётганимдан хурсандман, шу нарса менга ҳамиша кучкуват, қанот бағишлаб келади. “Ҳаётнинг” синов ва имтиҳонларидан ёруғ юз билан ўтиб келаётганимга, кутлуғ 70 ёшга кирганимга шукроналар қиламан, Яратганнинг инояти билан унутилмас кунлар билан юзма-юз бўлиб турганимдан бахтлиман.

Ҳа, раҳбар-ташкилотчи, олим-ижодкор, устоз-мураббийнинг қаламига мансуб асарлари ва мақолаларини номма-ном санамоқчи бўлсак, ўн вараққа ҳам жой бўлмайди. Шу муносабат билан мен уларни лўнда қилиб айтиб ўтаман. С. Турсуновнинг 50 йиллик илмий-ижодий фаолиятини ва муборақ 70 ёшини 100 га яқин ҳар хил номдаги дарсликлар, илмий-назарий, амалий қўлланмалар, рисоалар, 800 га яқин илмий мақолалар олим деган номини безаб

турибди. Олимнинг 4 нафардан зиёд фан доктори, 42 нафар фан номзоди ва (PHD)доктори шогирдлари етиштириб устоз деган улуғ бахтига муяссар бўлди.

Олим-ижодкор қаламига мансуб айрим асарлари, илмий, мақолалари танқидга учраб турганлиги ҳам бор гап. Танқидлар ҳаққоний, илмий-холисона бўлса, кўнглинг тоғдек кўтарилади. Аммо айрим танқидлар бўладикки, ғаразли, илм йўлини тўсувчи, муаллифни сингдириш мақсадли мақолалар ҳам бўлди, булар Сайфулла Турсуновнинг ижодини бугиб қўёлмади.

Мен чекка бир қишлоққа меҳмон бўлиб бордим. Давра гавжум. Суҳбатдошлардан бири Сайфулла Турсуновнинг “Шерободликлар” китоби ҳақида сўз очилиб қолди. Суҳбатдошларимиздан бири,; Мен ушбу китобни ўқиб чиқдим. Китобга қишлоғимиздан бир зиёлининг исми-шарифи китобга киритилмабди. Мен муаллифнинг хатосини тўғрилаш мақсадида Термиз давлат университетининг тарих факультетига бордим. Домлани сўрадим. Шогирдларидан бири кафедрасига олиб бориб, мени домлага таништирди.

Салом-алиқдан сўнг, домла “Сиз катта хатога йўл қўйибсиз. Қишлоғимиздан бир одамнинг исми-шарифини китобингизга киритмабсиз”-дедим. Домла мендан кечирим сўраб,” “-Эҳ, ҳа, биз хатога йўл қўйибмиз. Албатта, кейинги китобимизга киритамиз” деб мулоимлик билан жавоб берди ва шогирдларига акани таксига чиқариб қўйинглар, деб домла шогирдига такси пули ҳам берди. Суҳбатдошим олимнинг қандай маданиятли одамгарчилигига қойил қолиб, миннатдорчилигини ифодалаб беролмади. Мен гўё шу китобнинг муаллифидек хурсанд бўлдим. Мен сал кам 40 йил Сурхондарё вилояти халқ оғзаки ижоди намуналарини уйма-уй, қишлоқма-қишлоқ юриб, ёзиб олдим. Уни таҳлил қилдим, нашр эттирдим. Унинг машаққатларини яхши биламан.

Яна бир суҳбатимизда “Ҳар бир ўтган кунимга шукур қилиб, осуда тонг отганида Яратганга беҳисоб шукроналар айтаман. Соғ-саломат уйғонганим учун яратганга

хамду-санолар қиламан. Элим, юртим келажаги хизматиданлигимдан беҳад хурсанд бўламан”. Биламизки, инсонга берилган энг улуғ неъмат-ақлдир. Ақл талабига амал қилмаган кишининг иши чаппа кетиши тайин гап. дейди Сайфулло Турсунов.

Мен ҳаётим давомида нимагаки эришган бўлсам, бунда садоқатли умр йўлдошим Салимахоннинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Шодлигимни биргаликда баҳам кўрган, қийин пайтларда менга далда берган, шунча фарзандлар (3-нафар ўғил 2-нафар қиз)нинг отаси деган улуғ бахтини ҳадя қилди. Бу ажойиб инсон олдида бир умрга қарздорман. 50 йилдирки, топганимизни ўртага қўйиб, аҳил-иноқликда яшаб келяпмиз.”

Сиз устозни ҳеч қачон ёлғиз кўрмайсиз.

Ҳамиша дўст-биродарлари, шогирдлари куршовида бўлади. Кимнинг қариндош-уруғлари, қиёматлик дўсту-биродарлари, устозлар-у шогирдлари кўп деса, мен албатта Сайфулло Турсунов деб жавоб бераман.

Сайфулло Нарзуллаевич! Сиз эндиgina камолот ёшига етган, айна кучга тўлган, ҳаётий тажрибалар билан бойиган 70 ёшингиз билан барча дўсту ўртоқларингизга кўшилган холда сизга сиҳат-саломатлик, туганмас илҳом ва ижодий муваффақиятлар тилайман, касбдош!

Мен мақолани ушбу фикрим билан якунлашни маъкул топдим. Сайфулло Турсунов илм йўлида эгилган бўлиши мумкин, аммо синмади. Пўлат эгилади, аммо синмайди. Ит ҳураверади, карвон ўтаверади.